

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-июнь ойларида Навоий вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 8 663,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 3,9 % га ўсди.

2018 йил II-чорак яқунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 9 010,8 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,2 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Навоий вилоятининг кўшган хиссаси 5,7 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш (январь-июнь)

	Млрд.сўм		2017 йилга нисбатан, % да
	2017 йил	2018 йил	
I. ЯҲМ	5456,0	8663,0	103,9
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5255,7	8302,7	103,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	200,3	360,3	104,7
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5255,7	8302,7	103,8
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	798,3	1096,6	101,4
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	3172,8	5613,6	102,9
саноат	2923,1	5225,4	100,3
қурилиш	249,7	388,2	133,7
хизматлар	1284,5	1592,5	107,7
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	359,7	452,7	105,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	234,9	281,0	113,9
бошқа хизмат	689,9	858,8	106,7

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 101,4 %, (ЯХМ таркибидаги улуши – 13,2 %), саноат (қурилишниқўшган ҳолда) - 102,9 % (67,6 %), қурилиш – 133,7 % (4,7 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 105,4 % (5,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 113,9 % (3,4 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,7 % (10,3 %) ни ташкил этди.

**2018 йилнинг январь-июнида ЯХМнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари**




Иқтисодий фаолият турлари


Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 95,8 % ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса 4,2 % ни ташкил этди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**

2017 йил январь-июнь




2018 йил январь-июнь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 7,2 % пунктга кўпайди ва ҳисобот йилида 67,6 % ни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йилнинг II-чорагида 13,2 % ни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-июнида мос даври (15,2 %) билан таққосланганда 2,0 % пунктга, Хизматлар соҳаси 19,2 % ни ташкил этди ва 2017 йилнинг мос даври (24,4 %) билан таққосланганда 5,2 % пунктга камайди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(2018 йил январь-июнь, жамига нисбатан фоизда):



**Статистика фаолиятини ташкил этиш ва
йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими**
Нашр учун масъул: А.Қўлдошев
Тел: (0371) 230-84-33